

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнгги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.



Бош прокуратура ҳузуридаги Департамент қайта ташкил этилди

Президентнинг 23.05.2018 йилдаги ПФ-5446-сон «Бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини тубдан ошириш ва иқтисодий жиноятларга қарши курашиш механизмларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони имзоланди.

2001 йилда ДСҚ ҳузуридаги Солиқ соҳасидаги қонун бузилишларига қарши тезкор курашиш бош бошқармаси базасида Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти ташкил этилган. 5 йил ўтгач у Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментига айлантирилган. Ўша вақтда, 2006 йилда, унинг тузилмасида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бошқармаси ташкил этилган.

Департамент ЖКнинг 177, 179, 183-моддалари, 184-моддаси 1 ва 2-қисмлари (божхона қонунчилиги бузилиши билан боғлиқ жиноятлардан ташқари), 186-моддаси 1-қисми ва 189-192-моддалари бўйича суриштирувни, яқин вақтдан бошлаб эса солиқ ва валюта қонунчилиги бузилишлари тўғрисидаги ишлар бўйича терговга қадар текширувни амалга ошириб келган.

Қабул қилинган ҳужжат навбатдаги ўзгаришни назарда тутди. Энди бу Бош прокуратура ҳузуридаги

Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти. Унда қуйидагилар ташкил этилди:

➤ Иқтисодий жиноятлар ва коррупцияга қарши курашиш бошқармаси - Солиққа оид ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш бўлими, Валютага оид ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш бўлими, Истеъмолад бозорини ҳимоя қилиш бўлими, Тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва коррупцияга қарши курашиш бўлими негизда;

➤ Ахборот-таҳлил бўлими ва Ташкилий-назорат бўлими - Йиғма ахборот-таҳлил бошқармаси негизда. Департамент иқтисодий ва коррупциявий жиноятлар, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш ҳолатлари бўйича тезкор-қидирув фаолияти, терговга қадар текширув ва суриштирувни амалга оширади. Унинг ваколатига киритилган жиноятлар рўйхати ўзгариши ёки ўзгармаслиги ЖПКга тегишли тузатишлар киритилгандан кейин аниқ бўлиши мумкин.

Бир вақтнинг ўзида унда жиноий фаолиятдан олин-

ган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш масалалари бўйича махсус ваколатли давлат органи функциялари сақлаб қолинди. Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширадиган алоҳида субъектларга нисбатан назорат функциялари назарда тутилаётир.

Хусусан, Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бошқармаси пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни 30 иш кунидан кўп бўлмаган муддатга тўхтатиб қўйиш тўғрисида кўрсатма беришга ҳақли.

1 июлдан бошлаб ЛБМА қошидаги Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази иш чоғида аниқланган шубҳали операциялар тўғрисида Департаментга зарур ахборотни мунтазам равишда тақдим этади. Бундан ташқари, Департаментга Марказий банк ва Молия вазирлигидан банк ҳисобварақлари ва ягона газна ҳисобварақига бўйича давлат пул маблағларининг ҳаракатланиши билан боғлиқ маълумотларни сўраб олишга рухсат берилди.

Бюджет тизими бюджетлари ва давлат мақсадли жамғармалари маблағлари, мамлакатимиз Президентини ва Ҳукумати томонидан тузилган шартномалар бўйича олинган хорижий грантлар ва давлат кафолати остида жалб этиладиган хорижий кредитларнинг сарфланишига алоҳида эътибор қаратилади. Тезкор-қидирув фаолияти натижалари бўйича бу йўналишда Департамент давлат ташкилотлари ва давлат улушига эга корхоналарни, шунингдек мулкчилик шаклидан қатъи назар, бошқа ҳўжалик юритувчи субъектларни текшириш ташаббуси билан чиқади.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 24.05.2018 йилдан кучга кирди.

➤ давлат корхоналари фаолияти самарадорлигини таъминлаш бўйича ташаббусларни амалга ошириш;

➤ давлат корхоналари раҳбарлари ва мутахассисларининг касбий кўникмаларини, жумладан, тегишли тармоқлар бўйича етакчи хорижий корпорациялар билан таъриба алмашинишни ташкил этиш орқали ривожлантириш;

➤ давлат корхоналарини трансформация қилиш тадбирларини амалга оширишда лойиҳа бошқаруви воситаларидан фойдаланиш.

Шу тариқа, давлат улушларини реализация қилиш, давлат корхоналарини ҳўжалик жамиятларига айлантириш ёки хусусийлаштиришнинг бошқа механизмларини қўллаш ушбу ҳолда режалаштирилмаётир.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 15.05.2018 йилдан кучга кирди.

10 та йирик давлат компанияси трансформация қилинади

Президентнинг «Давлат активларини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори (12.05.2018 йилдаги ПҚ-3720-сон) имзоланди.

2,5 йилда 10 та давлат компанияси трансформация қилинади

Халқаро тажрибани инобатга олган ҳолда 2018–2020 йилларда мамлакатимизда Устав фондида давлат улуши устувор бўлган давлат корхоналари ва бошқа юридик шахсларни трансформация қилиш дастури амалга оширилади.

Даставвал унга «Ўзбекнефтегаз», «Ўзкимёсаноат», «Ўзбекэнерго», «Ўзбекгидроэнерго», «Олмалик кон-металлургия комбинати», «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятлари, «Ўзбектелеком» АК,

«Новоий кон-металлургия комбинати» ДК, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК ва АТ Халқ банки киритилди. Дастурни амал қилиш муддатлари узайтирилиши, давлат компаниялари рўйхати – кенгайтирилиши мумкин.

Дастур доирасида қуйидагилар назарда тутилади:

➤ бошқарув ходимларига юклатилган вазифаларнинг сифатли ва ўз вақтида бажарилиши учун уларнинг масъулиятини таъминловчи корпоратив бошқарув тизимини жорий этиш;

Ҳарбийларнинг фарзандларига – олий таълим муассасаларига қўшимча «бюджет» жойлари

Президентнинг «Ўзбекистон Республикаси Қуrolли Кучлари ҳарбийлари ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори (14.05.2018 йилдаги ПҚ-3726-сон) эълон қилинди.

Қуrolли Кучлардаги хизмат доимий сафарлар билан боғлиқ. Шунинг учун ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари таълим муассасаларини тез-тез ўзгартириб турадилар, бу улар олаётган билим сифатига салбий таъсир кўрсатади.

Шу сабабли 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасаларида Қуrolли Кучлар таркибига кирувчи ва-

2-бетда

Ушбу
сонда:

4-БЕТ

Озгаки тузилган битим бўйича жавобгарлик

5-БЕТ

Кадрлар захираси жадвалини тузмокчимиз

6-БЕТ

Сугурталовчига мукофот тўлашни ҳам унутманг

7-БЕТ

Фамилия ўзгардим – паспортни янгиланг

Ҳарбийларнинг фарзандларига – олий таълим муассасаларига қўшимча «бюджет» жойлари

1-бетда зирликлар ва идораларнинг хизматдаги офицерлари, шунингдек шартнома бўйича хизмат қилаётган сержантлар ва оддий аскарларнинг фарзандлари учун давлат гранти асосида таълим олишга умумий қабул сонидан 5 фоизли квота ажратилади. Уларнинг фарзандларига махсус тавсиянома берилади.

Ҳарбий бўлмаган олий таълим муассасаларида асосий квотадан ташқари махсус квота жорий этилади, яъни янгилик бошқа абитуриентлар учун умумий танловга таъсир кўрсатмайди. Ҳарбий олий таълим муассасаларида эса – умумий квота доирасида. Бу ерда оддий абитуриентларга камроқ жой қолади.

Бу – муҳим! 5 фоизли квота доирасида танлов ўтказилади – ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари бир-бирлари билан мусобақалашади-

лар. Абитуриент тест синовларида қанча қўп балл тўпласа, рейтингда шунча юқори ўринни эгаллайди. Тегишсинча, махсус квота бўйича ўринларга қараганда абитуриентлар кўпроқ бўлса, кимдир ўқиш имконини қўлга киритмаслиги мумкин.

Ҳар бир вазирлик ва идора чекланган миқдордаги тавсияномаларни беради. 5%ли квота қисмларга бўлинади, улардан:

- Мудофаа вазирлиги учун – 44%;
- Давлат хавфсизлик хизмати учун – 30%;
- Ички ишлар вазирлиги учун – 10%;
- Миллий гвардия учун – 10%;
- Фавқуллода вазиятлар вазирлиги учун – 3%;
- Президентнинг Давлат хавфсизлик хизмати учун – 2%;

Оммавий томоша тадбирларини ташкил этишдан ЯСТ 5%гача пасайтирилади

Президентнинг 14.05.2018 йилдаги ПҚ-3727-сон қарори билан давлат маданият муассасалари ва давлат архивлари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизими жорий этилади ва уларни моддий рағбатлантириш кучайтирилади.

Ҳужжат билан назарда тутилган чора-тадбирлар 2018 йил 1 июндан амалиётга жорий этилади.

Биринчидан, давлат маданият муассасалари артистлари, маъмурий-бошқарув, бадий-раҳбар, ижодий ва бошқа ходимларининг, шунингдек, давлат архивлари бошқарув ходимлари ва мутахассисларининг меҳнат ҳақи миқдорлари ўртача 45 фоизга оширилади.

Иккинчидан, санаб ўтилган ходимларнинг малака тоифалари ва лавозимлари бўйича базавий лавозим

маошлари белгиланади. Уларнинг лавозим маошлари ўртасидаги тафовутни қўпайтириш ҳисобига касбий ўсиш рағбатлантирилади. Масалан, илмий ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш тизимида бундай механизм жорий этилган.

Учинчидан, Ўзбекистон давлат цирки, ҳайвонот боғлари, Маданият вазирлигининг кўзи охишлар учун кутубхоналари ҳамда давлат архивлари ходимларининг алоҳида тоифаларига (аниқ рўйхатни Ҳукумат кейинроқ тасдиқлайди – тахр.) узоқ муддат хизмат

➢ Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги учун – 1%.

Бу – муҳим! Ҳарбий хизматни ўташда ҳалок бўлган, ярадор бўлган, контузия ёки шикаст олиш натижасида ногирон бўлиб қолган ёки касалликларга дучор бўлган ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари тегишли вазирлик ёки идоранинг тавсияномаси асосида олий таълим муассасаларининг бюджет ўринларига махсус квота бўйича тест синовларидан ўтмай қабул қилинади.

Бундан ташқари, вазирлик ва идораларга 2018/2019 ўқув йилларидан олдин ўқишга кирган, ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари таълим олиш учун контракт пулини тўлашга рухсат этилди.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 18.05.2018 йилдан кучга кирди.

қилганлиги учун тақдирлаш пули тўланади. Уларнинг миқдорлари театр-концерт ташкилотларининг артистлари ва бадий ходимларига белгиланган миқдорларга тенг.

Тўртинчидан, концерт-томоша кўрсатиш фаолияти билан шуғулланиш учун лицензияга эга бўлган, юридик ва жисмоний шахсларни (шу жумладан, нерезидентларни) жалб этиш йўли билан оммавий томоша тадбирларини ташкил этишдан даромадлар оладиган микрофирма ва кичик корхоналар учун ЯСТ ставкаси амалдаги 30%дан 5%гача пасайтирилади. 29.12.2017 йилдаги ПҚ-3454-сон қарорга 9-1-иловага тегишли тузатишлар киритилди.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 15.05.2018 йилдан кучга кирди.

Эълон

Эркин туристик зоналарга қандай лойиҳалар керак

Инвестиция лойиҳаларини жойлаштириш мезонлари ва уларнинг ташаббускорлари бизнес-режаларига доир талаблар тасдиқланди. Улар Вазирлар Маҳкамасининг 15.05.2018 йилдаги 365-сон қароридан кўрсатилган.

Эркин туристик зона (ЭТЗ) иш-тирокчисига айланиш ва у ерда ўз лойиҳасини амалга ошириш учун 11 та мажбурий мезонга жавоб бериш керак. Шу ўринда талабларнинг бир қисми ижтимоий томонга йўналтирилганлигини қайд этиб ўтаемиз.

Масалан, янги иш ўринлари ташкил қилиш зарур. Бунда уларнинг сони маъмурий кенгаш томонидан белгиланади, 10%и – Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши рўйхатлари бўйича эҳтиёжмандлар учун квота. Ташкил этиладиган ташкилот ходимлари штатининг камида 95%и Ўзбекистон фуқаролари бўлиши керак, уларга стажировка ўташ ҳамда малака ошириш имконияти яратилади.

Шунингдек лойиҳа ташаббускори ўз бизнес-лоийҳаси мазмунига эътибор қаратиши зарур. Дирекцияга фа-

кат қайд этилган талабларга жавоб берадиганини тақдим этиши лозим.

ЭТЗда лойиҳани жойлаштириш масаласини ҳал этиш пайтида, юқорида санаб ўтилганлардан ташқари, қуйидагилар аҳамиятга эга:

➢ инвестицияларни муассисларнинг ўз маблағлари ва улар томонидан Ўзбекистоннинг давлат кафолати тақдим этилмасдан жалб қилинган кредитлар ҳисобидан амалга ошириш;

➢ инвесторнинг молиявий лаёқатлилиги, техник ва технологик базанинг мавжудлиги;

➢ инвестиция лойиҳаси амалга оширилишининг мақсадга мувофиқлиги (инвестиция лойиҳасини қўлай жойлаштириш, ташкил этиладиган иш ўринлари сони, ҳудуд ва умуман, соҳадаги инфратузилма ўзгаришларига таъсир кўрсатиш, ишлаб турган

Тошкент шаҳри бўйича январь–апрель ойларида бажарилган қурилиш ишлари

Жорий йилнинг январь–апрель ойларида Тошкент шаҳрида 2216,1 млрд сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилиб, ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 109,6%ни ташкил этди.

Шунингдек, йирик ташкилотлар томонидан қурилиш ишлари ҳажми 699,3 млрд сўмни ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 131,9%ни ташкил қилиб, ўтган ойдаги ўсиш суръатига нисбатан 8,4% пунктга камайди.

Мос равишда, кичик корхона ва микрофирмаларда бу кўрсаткич 1007,9 млрд сўм ёки 104,7%и ҳамда норасмий секторда 508,9 млрд сўм ёки 97,9%ни ташкил этди.

Туманлар кесимида қурилиш ишларининг катта қисми Миробод туманида бажарилган бўлиб, шаҳарда бажарилган жами қурилиш ишларининг 18,0%ини ташкил этди, Мирзо Улуғбек туманида бажарилган қурилиш ишлари 14,0%, Чилонзор туманида 13,7%, Юнусобод туманида 9,7% ва Яккасарой туманида 8,7%ни ташкил этди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича қурилиш ишларининг асосий қисми, яъни 65,0%и қурилиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш, турар жой ва яшаш учун мўлжалланган ҳамда мўлжалланмаган биноларни қуриш бўйича амалга оширилган қурилиш ишларидан ташкил тоғди. Фуқаролик объектлари қурилиши ва ихтисослаштирилган қурилиш ишлари ҳажми ҳам ўтган йилга нисбатан кўпайган ҳолда жамига нисбатан 17,9%ни ташкил қилди.

Тошкент шаҳар статистика бошқармаси.

- **ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР**
– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз
1-3-бетлар
- **ЖАВОБ БЕРАМИЗ**
– Битим оғзаки тузилди...
– Ходимнинг ҳисоблагичига биз масъулми?
4-бет
- **ЮРИДИК МАСЛАҲАТЛАР**

- Локал ҳужжатни мустақил равишда тузасиз
- Суд тўғри ҳал қилув қарори чиқарган
- Ҳамма малака оширади!
- Аввал сотиб олиб, кейин сотамиз
- Мажбур эмассиз, бироқ тўлашингиз мумкин
- Эркин репатриация қилиш ҳуқуқи

- Шартноманинг бутун суммасини сугурталаш зарур
5-6-бетлар
- **ПАСПОРТ МАСАЛАЛАРИ**
– Паспорт ҳақиқий эмас
- Уй эгаси хорижда бўлса
- Зарур штамп
- Квартира масаласи
- Бўш ётган уйлар рўйхатида
7-бет
- **АВТОНОРМА**

- Автоижара – нотариал расмийлаштиришсиз
- Декабри кутмасдан техник кўриқдан ўтказинг
- Ҳайдовчилик гувоҳномаларини 17 та давлат хизматлари марказларида олиш мумкин
- Хориж тажрибасидан: Светофор учун регламент
8-бет

Эркин туристик зоналарга қандай лойиҳалар керак

қувватлардан фойдаланиш, зарур инфратузилманинг мавжудлиги);

- инвестиция лойиҳасида халқаро стандартларга мос бўлган менежмент тизимининг мавжудлиги;
- асбоб-ускуналар ва технологик линиялар рўйхати кўрсатилган ҳолда, энергия тежайдиган замонавий тизимлар ва технологиялар мавжудлиги ҳақидаги маълумотлар.

Нотариат: 2019 йилдан кўп нарса ўзгаради

Президентнинг 25.05.2018 йилдаги ПҚ-3741-сон қарорида 2019 йил 1 январдан бошлаб маҳаллий нотариат тизимига бир қатор янгиликлар киритилиши назарда тутилган.

Биринчидан, фаол модель доирасида нотариуслар томонидан битимларни тасдиқлашда «ягона дарча» тамойили бўйича амалга ошириладиган ҳуқуқий ва техник тусдаги қўшимча ҳаракатлар рўйхати тасдиқланди.

Бундан келиб чиқишича, нотариуслар қуйидагиларни мустақил равишда олиб, текширадилар:

- турар жойда доимий прописка қилинган шахслар тўғрисидаги маълумотлар;
- биометрик ва паспорт маълумотлари;
- кўчмас мулк, шу жумладан бошқа шахсга ўтказишга таъқиқ белгиланганлиги ва хатланганлиги тўғрисидаги зарур маълумотлар;
- турар жойни хусусийлаштиришга розилик берган шахслар тўғрисидаги маълумотлар;
- юридик шахслар тўғрисидаги маълумотлар;
- коммунал хизматлар бўйича қарздорлик мавжудлиги/мавжуд эмаслиги ҳақидаги ахборот.

Шу орқали фуқаролар ва ташкилотлар кўрсатилган ҳужжатлар ва маълумотномаларни мустақил равишда тўплаш заруратидан халос бўладилар. Шу мақ-

Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш назарда тутилган, жаҳондаги етакчи меҳмонхона тармоқлари ва умумий овқатланиш тармоқлари брендларининг мезонларига мос бўлган, шунингдек ходим сифатида юртдошларимизни жалб этишни кўзда тутадиган лойиҳаларга устуңлик берилади.

садда зарур ахборотларни алмашиш учун маълумот базалари ва ахборот тизимлари жорий этилади ҳамда улар «Нотариус» ААТ билан интеграция қилинади. Ушбу модель доирасидаги идоралараро ҳамкорлик механизмлари маъмурий регламентлар билан тартибга солинади.

Иккинчидан, кўчмас мулкни ижарага бериш ва текин фойдаланиш шартномаларини мажбурий нотариал тасдиқлаш бекор қилинади. Бироқ ижара шартномаларини солиқ органларида мажбурий тартибда ҳисобга қўйиш лозим бўлади.

Учинчидан, кўчмас мулк билан боғлиқ битимларни нотариал тасдиқлаш фақат ҳимоя даражасига, серияга, тартиб рақамига ва ҳудудий кодга эга бўлган қатъий ҳисобот бериладиган гербли (махсус) бланкаларда амалга оширилади. Бундай бланкалар «Давлат белгиси» ДИЧБ томонидан тайёрланади.

Тўртинчидан, васиятномаларни, шунингдек жисмоний нуқсон, касаллиги туфайли ёки бошқа сабабларга кўра ўз қўли билан имзолай олмайдиган киши номидан битим, ариза ва бошқа ҳужжатларни

Бу – муҳим! ЭТЗ иштирокчилари бўлган тадбиркорлик субъектлари эркин иқтисодий зоналар иштирокчилари учун назарда тутилган барча имтиёз ва преференциялардан фойдаланадилар (Президентнинг 26.10.2016 йилдаги ПФ-4853-сон Фармонининг 3 ва 4-бандлари).

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 21.05.2018 йилдан кучга кирди.

имзолаш жараёнини мажбурий аудио ва видеога қайд этиш жорий этилади.

Бешинчидан, юридик шахс нотариусга ихтиёрий мурожаат этганда унинг коллегиял органининг қарори қабул қилинганлиги факти нотариал тасдиқланади.

Олтинчидан, нотариал ҳаракатларни амалга ошириш учун мурожаат қилган шахсларнинг шахсини аниқлаш учун бармоқ излари сканер қилинади ва улар паспортдаги (фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг биометрик ҳаракатланиш ҳужжатидаги) биометрик маълумотлар билан солиштирилади.

Мурожаат этувчилар нотариал тасдиқланаётган ҳужжатларга имзо қўйиш ва махсус мосламада уларнинг бармоқ изларини сканер қилиш йўли билан нотариал ҳаракатлар бажарганлигини тасдиқлайдилар.

Еттинчидан, нотариал идораларда реал вақт режимидаги масофавий аудио ва видеокузатув воситалари ўрнатилади. Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий органлари марказлаштирилган тизимдан фойдалана оладилар. Бунда нотариал ҳаракатларнинг махфийлиги сақланиши лозим.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 26.05.2018 йилдан кучга кирди.

ЙХҚ бузилишига қарши курашишда видеорегистраторлар ва оширилган жарималар ёрдам беради

Вазирлар Маҳкамасининг 19.05.2018 йилдаги 377-сон қарори билан 2018–2022 йилларда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш концепцияси ҳамда уни яқин истиқболда амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси» тасдиқланди.

Ҳамма жойда – видеорегистраторлар

Фуқаролар ва ташкилотларнинг автомобиллари видеорегистраторлар билан жиҳозланади. Жамоат транспорти ва йўловчилар ташувчи транспорт воситаларида – мажбурий равишда. Уларни ишлаб чиқариш маҳаллийлаштирилади.

Содир этилган ҳуқуқбузарлик ҳолатлари қайд этилган видеорегистраторлардан ёзувларни тезкор тўплаш учун марказлаштирилган тизим жорий этилади. Унга келиб тушган барча видеоёзувлар мониторингдан ўтказилиб, процессуал ҳаракатларни амалга ошириш учун ИИОга юборилади.

Тизимга видеоматериалларни тақдим этган фуқаролар, суд томонидан ҳуқуқбузарлик тасдиқланган тақдирда рағбатлантирилади.

Нафақат ҳайдовчиларнинг жавобгарлиги оширилади...

Декабрдан йўллардаги безорилик учун маъмурий жавобгарлиқни жорий этиш масаласини ишлаб чиқиш вазифаси топширилди. Бунда қуйидагиларда намоён бўладиган атайлаб қасддан содир этилган ҳаракатлар назарда тутилмоқда:

- а) транспорт воситасини бошқариш маданиятига перманент риоя қилмасликда;
 - б) йўлда ўзини номуқобил тутишнинг бошқа шаклларида:
- ҳаракатнинг эгаллаб турилган полосасини бу ҳақда бурилиш сигнали билан огоҳлантирмасдан кескин ўзгартирган ҳолда таъвоуэкорона ҳайдашда;
- хавф тўғрисида огоҳлантирмасдан баланд товуш сигналдан бунга ҳолат бўлмаса ҳам фойдаланишда.

Маълумот учун. Бугунги кунда шунга ўхшаш ҳуқуқбузарликлар учун жарималар солинади:

- йўлларда йўл ҳаракати хавфсизлигига таҳдид солувчи ёки авария ҳолатини келтириб чиқарувчи гуруҳ бўлиб ҳаракат қилишда қатнашганлик учун – 3 ЭКИХ;
- товуш сигнални сабабсиз берганлик учун – 1 ЭКИХ.

Бундан ташқари, бошқа ЙХҚни бузганлик учун маъмурий жавобгарлиқни кучайтириш режалаштирилмоқда, хусусан:

- транспорт воситасини маст ҳолда бошқарганлик учун (МЖТКнинг 131-моддаси) – бунинг учун маъмурий қамоққа олиш жорий этилиши зарур;
- ДИХХХ ходимларининг транспорт воситасини тўхтатиш ҳақидаги қонуний талабларини бажармаганлик учун (МЖТКнинг 194-моддаси);
- ИТХ юз берган жойдан кетиб қолганлик (МЖТКнинг 137-моддаси), шу жумладан хавф остида қолдирганлик (ЖККнинг 117-моддаси) учун жиноий жавобгарлиқни.

2019 йил бошидан яна бир муҳим янгилик – жамғариб бориладиган балл тизими жорий этилиши кутилмоқда. Ҳар йили ҳайдовчилик гувоҳномасига 12 балл берилади ва ҳар гал ЙХҚ бузилганда ҳуқуқбузарлиқнинг огирлигига қараб у камайтириб борилади. 12 баллнинг ҳаммасини «сарфлаб бўлган» ҳайдовчилар автомобилни бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилади, қоидаларни бузмаганлар эса рағбатлантирилади.

Бироқ фақат ҳайдовчиларга нисбатан ЙХҚни бузганлиги учун жавобгарлик чораларини кучайтириш назарда тутилмаяпти. ДИХХХнинг руҳсатисиз ЙТХ

қатнашчиларининг транспорт воситаларини таъмирлаш ишларини амалга оширувчи шахслар учун ҳам санкцияларни жорий этиш режалаштирилмоқда.

Пийёдаларда ЙХҚга риоя қилиш маданиятини ошириш учун эса АКТдан фойдаланган ҳолда пийёдалар қоидаларини бузувчиларнинг шахсини аниқлаш ва улар содир этган ҳуқуқбузарликлар тўғрисида электрон протоколларни расмийлаштириш механизмларини жорий этиш мўлжалланмоқда.

Ҳар жума – ЙХХ куни, ҳар ой – «Автомобилсиз кун»

Ҳар ҳафта жума куни «Йўл ҳаракати хавфсизлиги куни»ни ўтказишга қарор қилинди. Барча вазирликлар, идоралар ҳамда бошқа ташкилотлар бу куни ЙХҚга сўзсиз риоя қилишни ва ИТХ профилактикасини таъминлашда фаол иштирок этадилар.

Бундан ташқари, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида «Автомобилсиз кун» ойлик акцияси ташкил этилади. Мақсад – йўлларда хавфсизлик муаммоларига жамоатчилик эътиборини жалб этиш, автотранспортсиз ҳаракатланиш мумкинлиги ва зарурлигини намоён қилиш.

ДИХХХ ҳузурида Жамоатчилик кенгаши ташкил этилди

Қуйидагилар унинг асосий вазифалари этиб белгиланди:

- ЙХҚга риоя қилиш ва ушбу соҳада хавфсизлиқни таъминлаш масалалари бўйича жамоатчилик фикрини тизимли асосда ўрганиш;
- Концепциянинг, «Йўл харитаси»да назарда тутилган тадбирлар амалга оширилишининг бориши ва натижалари мониторингини олиб бориш;
- йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича ИИО фаолиятининг қонунчилик базасини янада такомиллаштиришга йўналтирилган таклифларни тайёрлаш ва киритиш.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 22.05.2018 йилдан кучга кирди.

Битим оғзаки тузилди...

Қурилиш компаниясида ишчилар асосан оғзаки битим асосида ишга қабул қилинади. Шундай вазиятда иш берувчи зиммасида меҳнат муҳофазаси бўйича қандай мажбурият ва жавобгарликлар бўлади?

А.Умаров.

— Ишга қабул қилиш ҳуқуқи эга бўлган мансабдор шахс томонидан ёки унинг ижозати билан ходимга ҳақиқатда ишлашга рухсат этилган бўлса, ишга қабул қилиш тегишли равишда расмийлаштирилган ёки расмийлаштирилмаганлигидан қатъи назар, иш бошланган кундан эътиборан меҳнат шартномаси тузилган деб ҳисобланади (*Меҳнат кодексининг (МК) 82-моддаси*).

Хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган шароитларда меҳнат қилиш ходимнинг асосий ҳуқуқларидан ҳисобланади (*МК 16-моддаси*). Шунинг учун барча корхоналарда хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган меҳнат шароитлари яратилган бўлиши керак. Бундай шароитларни яратиб бериш иш берувчининг мажбуриятига киради (*МК 211-моддаси*).

Бундан ташқари, иш берувчи ходимлар меҳнатини ташкил қилиши, қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда, меҳнат шартномасида назарда тутилган меҳнат шароитларини яратиб бериши, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини таъминлаши, меҳнат муҳофазаси қоидаларига риоя этиши, ходимларнинг эҳтиёж ва талабларига эътибор билан қараши, уларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаб бориши шарт (*МК 177-моддаси*).

Иш берувчи, хусусан:

- ҳар бир иш ўрнида меҳнат шароитларининг меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига мувофиқ бўлишини таъминлаши;
- бинолар, иншоотлар, асбоб-ускуналардан фойдаланиш, технологик жараёнларни амалга ошириш чоғида, шунингдек ишлаб чиқаришда хом ашё ва материалларни қўллашда ходимларнинг хавфсизлигини таъминлаши;

- иш ўринларида меҳнат шароитларининг ҳолати, айниқса зарарли ишлаб чиқариш омил-

лари ва хавфли ишлаб чиқариш омиллари юзасидан назоратни амалга ошириши;

- меҳнат шароитлари тўғрисида, шу жумладан касб касалликлари ва бошқа касалликлар хавфи мавжудлиги, муайян иш ўринларида ва ишлаб чиқаришда меҳнатни муҳофаза қилишнинг ҳолати ҳақида, шунингдек шу муносабат билан ходимларга берилиши лозим бўлган имтиёзлар ва компенсациялар, шахсий ҳимоя воситалари тўғрисида ходимларни ўз вақтида хабардор қилиши;

- қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ва йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ташкил этиши;

- ходимларни белгиланган нормалар бўйича сут, даволаш-профилактика озик-овқати, газланган тузли сув, шахсий ҳимоя ҳамда гигиена воситалари билан таъминлаши, шунингдек жамоавий ҳимоя воситалари қўлланилишини таъминлаши;
- ходимларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўл-йўриқлар олишини, меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича ўқувдан, қайта тайёргарликдан ўтишини, малака оширишини ва билимлари текширилишини таъминлаши;

- меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқувдан ўтмаган, йўл-йўриқлар олмаган ва билимлари текширилмаган шахсларни ишга қўймаслиги;

- ходимларга имтиёзлар ва компенсациялар белгиладиган, имтиёзли шартларда пенсияга чиқиш ҳуқуқи бериладиган, ногиронлар банд бўлган зарарли, хавфли ва бошқача меҳнат шароитларига эга иш ўринларида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иш ўринларининг меҳнат шароитлари бўйича аттестациясини ўтказиши;

- дастлабки тарзда (ишга кираётганда) ва даврий (меҳнат фаолияти давомида) мажбурий

тиббий кўриклар белгиланган тартибда ўтказилишини ташкил этиши;

- меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларга риоя этилиши устидан давлат назорати ва текширувини амалга оширувчи органларга, шунингдек касаба уюшмаларига ва ходимларнинг бошқа вакиллик органларига уларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш ҳолати, бахтсиз ҳодисаларни ва касб касалликларини текшириши юзасидан назоратни, текширишни ва мониторингни амалга ошириши учун зарур бўлган ахборот ва материалларни тақдим этиши;

- авария вазиятларининг олдини олиш, бундай вазиятлар юзга келганда ходимларнинг ҳаёти ва соғлигини сақлаш, шу жумладан жабрланганларга биринчи ёрдам кўрсатиш бўйича чора-тадбирлар кўриши;

- меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларга риоя этилиши устидан давлат назорати ва текширувини амалга оширувчи органларнинг кўрсатмаларини бажариши ҳамда касаба уюшмаларининг ва ходимлар бошқа вакиллик органларининг тақдимномаларини кўриб чиқиши;

- ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан давлат томонидан мажбурий ижтимоий сугурта қилинишини, шунингдек иш берувчининг фуқаролик жавобгарлиги мажбурий сугурта қилинишини таъминлаши;

- ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва касб касалликларини белгиланган тартибда текширувдан ўтказиши, шунингдек уларнинг ҳисобини юритиши шарт (*«Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 23-моддаси*).

Иш берувчи меҳнатни муҳофаза қилиш талабларини бузганлик учун МЖТКнинг 49-моддасига биноан жавобгар бўлади.

Агар техника хавфсизлиги, sanoat санитарияси ёки меҳнатни муҳофаза қилишнинг бошқа қоидалари бузилиши ўртача оғир ёки оғир тан жароҳати етказилишига сабаб бўлса, иш берувчи ЖККнинг 257-моддасига биноан жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Ходимнинг ҳисоблагичига биз масъулмизми?

Мажбурий ижро бюроси Адлия вазирлигида 2001 йил 15 майда 1031-сон билан рўйхатга олинган Ташкилотлар ва муассасалар томонидан ўз ходимларидан коммунал хизматлар учун ҳақни иш ҳақидан ушлаб қолиш кўринишида қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомига асосан корхонадан ҳар бир ходим кесимида уларнинг яшаш манзили бўйича коммунал хизматлар истеъмоли ҳисоб-китобини олиб бориши, уларнинг ҳисоблагич кўрсаткичини ҳар ой олиб бориб, Бюрога маълумот тақдим этишини талаб қилишга ҳақлими? Аслида бу Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси тўғрисидаги низомига асосан мазкур бюронинг вазифаси эмасми?

Биз Бюронинг бундай талабини бажаришга мажбуриймиз?

Асқад Эргашев, бухгалтер.

— Йўқ, мажбур эмассиз.

Ташкилотлар ва муассасалар томонидан ўз ходимларидан коммунал хизматлар учун ҳақни иш ҳақидан ушлаб қолиш кўринишида қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомида (*АВ томонидан 15.05.2001 йилда 1031-сон билан рўйхатга олинган, кейинги ўринларда — 1031-сон Низоми*) барча мулкчилик шаклидаги корхона, ташкилот ва муассасалар томонидан коммунал хизматлар учун ўз ходимлари иш ҳақидан ушланмалар кўринишида тўловни қабул қилиш **ходимларнинг ёзма розилигини олган ҳолда** амалга оширилиши белгиланган. Ходимларнинг розилигисиз бундан бажариш улар ҳуқуқларининг бузилиши ҳисобланади.

Агар Мажбурий ижро бюроси (Бюро) томонидан 1031-сон Низоми асосида ташкилотингизга ҳар бир ходим кесимида яшаш манзили бўйича коммунал хизматлар истеъмоли бўйича ҳисоб-китобини олиб бориш, уларнинг ҳисоблагич кўрсаткичини ҳар ой юритиб, Бюрога маълумот тайёрлаб бериш талаби қўйилган бўлса, бундан асоссиз талаб деб баҳолаш мумкин. Чунки ҳужжатда ташкилотга бу каби функциялар юклатилмаган.

Бюро фақат суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг мажбурий ижросини амалга ошириш соҳасида давлат органларидан ва **бошқа органлардан, ташкилотлардан** ҳамда уларнинг мансабдор шахсларидан зарур ҳужжат ва маълумотларни олиш, шунингдек уларга бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш ҳуқуқи эга (*Низомнинг 11-банди «а» кичик банди*).

Бинобарин, корхона, унинг ходимлари **ёзма равишда мурожаат қилганда** тегишли ҳисоб-китобларни бажариши, коммунал хизматлар учун иш ҳақидан ушланганидан тўлов суммаларини аниқлаши мумкин.

Шу ўринда қайд этиш кераки, Бюро ўз вазифа ва функцияларини амалга оширишда давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилади (*Низом, Президентнинг 30.05.2017 йилдаги ПҚ-3016-сон қарорига 4-қисм*).

Бироқ, ҳамкорлик икки тарафнинг ўзаро розилигига асосланади, шу билан бирга бу ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахл қилмаслиги керак. Шундан келиб чиқиб, сиз Мажбурий ижро бюроси билан ҳамкорлик қилиш борасида ихтиёрли эканлигини эслатиб қўймоқчимиз.

Бюронинг вазифа ва функцияларига:

- электр энергияси ва табиий газ учун тўловларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ўндирилишини таъминлаш;

- истеъмолчиларнинг қарздорлиги камайтирилишини таъминлаш;

- истеъмол қилинган энергия ресурслари учун тўловларнинг ҳар бир истеъмолчига тўлиқ ва ўз вақтида ҳисобланишини ўрганиш;

- белгиланган муддатларда истеъмолчиларнинг ҳисобга олиш ускуналари кўрсаткичларини олиш;

- уларнинг шахсий ва рақарвонга маълумотларни киритиш;

- энергия ресурсларини истеъмол қилишнинг ойлик ҳажмларини аниқлаш ва бошқалар киради.

Бюро ўзининг функция ва вазифаларини бошқа ташкилотга юклашга ҳақли эмас.

✓ Рассом хандаси



Локал ҳужжатни мустақил равишда тузасиз

Юқори турувчи ташкилот лавозимлар ва раҳбарият ўринбосарлари кадрлар захираси жадевалини тузиш вазифасини топширди. Бунда қандай норматив ҳужжатларга амал қилишимиз кераклигини айтсангиз. Комиссия тузиб, унинг таркибини тасдиқлашимиз керакми?

А.Тохтиева, кадрлар бўйича инспектор.

— Корхонадаги лавозимларнинг кадрлар захираси тузилишини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат мавжуд эмас.

Амалиётда ҳар бир идора (вазирлик, кўмита ва ҳ.к.) ташкилотдаги кадрлар захирасини шакллантириш тартибини мустақил равишда белгилайди. Ҳар бир ташкилот кадрлар захирасини низом, тартиб ёки бошқа локал ҳужжат қўринишида тузишнинг махсус тартибини ишлаб чиқиши мумкин, у ташкилот раҳбарининг буйруғи билан тасдиқланади.

Сизга ҳам номзодларни муайян лавозимларга тайинлаш тартибини белгиловчи локал ҳужжат ишлаб чиқишни тавсия этамиз. Уни ишлаб чиқишда:

1) режалаштирилаётган даврда ва-кант лавозимларга тайинлашга эҳтиёж-ни белгилаш ва номзодларни захирага танлаб олиш принципларини ишлаб чиқиш;

2) тайинланадиган лавозимларга танлов асосида саралаб олиш тизими ишлаб чиқиш (танлов ташкилот эҳтиёжларига қараб ташқи мутахассислар ёки ўз ходимлари ўртасида ўткази-лиши мумкин);

3) зарурат бўлганда «захирадаги-ларнинг» касбий кўникма ва билим-ларини ривожлантириш усулларини белгилаш зарур (идеал вариантда кадрлар захирасидаги мутахассислар-ни тайёрлаш ҳам назарда тутилмаган



корпоратив таълим дастурини ишлаб чиқиш мумкин).

Кадрлар захирасига тайинлаш ном-зодларга тенг ёндашган ҳолда уларнинг шахсий қобилиятлари, касбий тайёр-гарлик даражаси, касбий фаолият на-тижаларига қараб амалга оширилади. Кадрлар захирасини жорий даврда ва истиқболда ходимларга бўлган эҳтиёж прогностини инобатга олган ҳолда те-гишли танлов тадбирлари натижала-ри асосида ҳар йили шакллантириш мумкин.

Шунингдек махсус комиссия захира учун номзодлар танловини ўтказишни назарда тутиш мумкин. Бу ҳолда ко-миссия таркиби ташкилот раҳбари то-монидан тасдиқланади. Бунда кадрлар захирасини шакллантириш ва у билан ишлашга доир ташкилий, мувофиқлаш-тирувчи, услубий ва назорат функция-ларини одатда кадрлар билан ишловчи бўлим бажаради.

Жамолитдин Ваккасов,
«Norma» МЧЖ эксперти.

Кредитор кредитни вақтида тўламади. Банк кредит қарзини суд орқали ундириб олди. Кредит қолдиғи ўз вақтида ундириб олинма-ганлиги сабабли кредит қолдиғига фоиз ҳисобланди. Шу муносабат билан қарзни ундириш тўғрисидаги суднинг ҳал қилув қароридан кейин банк ФКнинг 327-моддасига мувофиқ ҳисобланган фоизларни ундириш тўғрисидаги даъво аризаси билан яна судга мурожаат қилди. Судья ундируе МБнинг қайта молиялаштириш ставкаси — 14% бўйича амалга оширилишини бизга тушунтирди. Биз эса фоизлар суммасини кредит шартномасига мувофиқ 18% миқдорида ҳисоблаганмиз. Бунинг нати-жасида банкда сўндирилмаган фоизлар суммасида тафовеут юзгага келмоқда.

Суд фоизларни қайта молиялаштириш ставкасида ундириш ҳақида ҳал қилув қарорини қабул қилгани тўғрими?

А.Каипов.

Суд тўғри ҳал қилув қарори чиқарган

— Ҳа, тўғри, сабаби ФКнинг 327-моддаси бўйича фоизларни ун-дириш даъво аризасининг предмети бўлган.

Кредит шартномаси бўйича банк (ёки бошқа кредит ташкилоти) қарз олувчига шартномада назарда тутилган миқдор-да ва шартлар асосида пул маблағлари бериш, қарз олувчи эса олинган пул суммасини қайтариш ва унинг учун фоизлар тўлаш мажбуриятини олади (ФКнинг 744-моддаси). Сизда кредит шартномаси бўйича асосий қарз ва фоизларни ундириб олиш тўғрисида суднинг ҳал қилув қарори бор. Бу ҳол-да кредит шартномасида кўрсатилган ставкада фоизлар ундирилган.

Қарз олувчи суднинг ҳал қилув қарорини бажармагандан кейин ФКнинг

327-моддасига асосан фоизларни ун-дириш тўғрисидаги даъво аризаси бил-лан такроран мурожаат қилгансиз. ФК-нинг 327-моддасида назарда тутилган фоизлар қарздор бошқа шахсларнинг пул маблағларидан фойдаланганлиги учун (уларни ғайриқонуний ушлаб қо-лиш, уларни қайтариб беришдан бош тортиш, уларни тўлашни бошқача тарзда кечиктириш ёхуд бошқа шахс ҳисобидан асоссиз олиш ёки жамға-риш натижасида) ундириб олинади. Ўз табиатида кўра ушбу фоизлар кредит шартномаси асосида тўланиши лозим бўлган фоизлардан фарқланади. ФК-нинг 327-моддаси бўйича фоизлар пул мажбуриятини бажармаганлик учун мулкый жавобгарлик чораси ҳисобланади.

Шу сабабли, суд банк фоизларини ундириш ҳақидаги низоларни ҳал қи-лишда даъвогар кредит шартномаси бўйича фоизларни тўлашни талаб қиляптими ёхуд ФКнинг 327-моддаси бўйича пул мажбуриятларини ба-жармаганлик учун ёки ижрон кечиктирганлик учун жавобгарлигини қўл-лашни талаб қиляптими, шуларни аниқлаши лозим (ОХСПнинг 15.06.2007 йилдаги 163-сон қарори 5, 10-бандлари).

Даъво аризасида ФКнинг 327-мод-даси бўйича фоизларни ундиришни сўраганингизни инобатга олган ҳолда суд ушбу фоизларни ундирган. Мазкур фоизлар миқдори кредитор жойлашган ерида мавжуд бўлган МБнинг қайта

молиялаштириш ставкаси билан бел-гиланади.

Сабоҳат Султонова,
«Norma» МЧЖ эксперти.

Ҳамма малака оширади!

Ташкилот балансида маъмурий эҳтиёжлар учун фойдаланиладиган енгил автомобиль бор. Корхонада ҳайдовчи лавозими йўқ (унга зарурат йўқ). Кўп ҳолларда автомобилни бошқаришга ишончномаси бўлган ход-им (директор, бухгалтер, директор ўринбосари) бошқаради. ВМнинг 4.09.2017 йилдаги 693-сон қарорига мувофиқ юридик шахсларнинг барча ҳайдовчилари «AvtoTest Report» МЧЖда малака оширишлари ва сер-тификат олишлари шарт. Адлия вазирлигининг расмий Телеграмм-каналда пайдо бўлган ахборотга кўра, 2018 йил февраль ойининг ўрталарида Адлия вазирлиги тижорат ташишлари билан шугуллан-увчи корхоналарнинг ҳайдовчилари малака оширишлари тўғрисида ўзгартириш киритишни таклиф этган.

Ушбу қарорга тузатишлар киритилдими? Агар киритилмаган бўлса, ушбу тузатишлар қанча муддатда қабул қилинишини айтсангиз.

Х.Акмалхонов, кассир.

— Фақат тижорат ташишлари билан шугулланувчи ташкилотларнинг ҳай-довчилари малака оширишлари тў-ғрисидаги тузатишлар қонун ҳужжат-ларига киритилмаган.

Сиз тилга олган тузатишлар қанча муддатда киритилиши ва умуман ки-ритилиш-киритилмаслигини олдиндан башорат қилиб бўлмайди, сабаби НХҲ лойиҳаси эълон қилинмаган.

Малака ошириш мумкин бўлган таълим муассасалари бўйича ўзгарти-ришлар киритилган. 2018 йил 1 июндан

бошлаб ҳайдовчилар нафақат «AvtoTest Report» МЧЖ ўқув комплексига, бал-ки бошқа таълим муассасаларида ҳам малака оширишлари мумкин. Давлатга қарашли бўлмаган юридик шахслар бу-нинг учун таълим фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлиши керак (ВМнинг 23.02.2018 йилдаги 139-сон қарори 1-банди).

Эслатиб ўтамиз, корхоналарга те-гишли автотранспорт воситаларини бошқараётган шахслар, автотранс-порт воситаларини қисқа муддатли ижара (прокат) ва лизинг асо-сида бошқараётган яқка тар-тибдаги тадбиркорлар ва бошқа жисмоний шахслардан ташқари, малака оширишдан ўтиши шарт. Ўтиш муддати 2 йилда 1 мартани ташкил этади (ВМнинг 139-сон қарори 3-банди).

Шу сабабли сизнинг ҳолатда хизмат автомобилни бошқарув-чи барча шахслар малака оши-ришлари лозим.

Азим Ажибеков,
«Norma» МЧЖ эксперти.



Реклама

«КОРХОНА ЮРИСТИ»

электрон маълумотнома тизимини ЎЗБЕК ТИЛИДА тақдим этамиз

Тошкент ш. Миробод тумани, Таълимаржон кўч., 1/1.
Тел.: (998 71) 200-00-90. E-mail: office@norma.uz, web: www.norma.uz

Аввал сотиб олиб, кейин сотамиз

Биз эҳтиёт қисмларни сотиб олишга шартнома туздик, корпоратив карта билан ҳақини тўладик. Шундан сўнг бизга ҳисоббеварақ-фактура бердилар. Ушбу товарни ҳам чакана, ҳам улгуржи сотишимиз мумкинми? Агар мумкин бўлмаса, қандай жавобгарлик чораси қўлланилади?

Н.Шевченко, бухгалтер.

— Ташкилот корпоратив банк пластик картаси билан сотиб олинган товарни ҳам улгуржи, ҳам чакана сотишга ҳақли. Юридик шахслар фаолият юритиш билан боғлиқ харажатларни миллий валютадаги корпоратив банк карточкаларидан фойдаланган ҳолда амалга оширишлари мумкин (АВ томонидан 18.04.2005 йилда 1470-сон билан рўйхатдан ўтказилган Низомнинг 6-банди).

Товарларни чакана сотишда солиқ органларида рўйхатдан ўтказилган назорат-касса машинаси (электрон тижоратдан ташқари) ва банк карталаридан фойдаланган ҳолда тўловларни қабул қилиш бўйича терминал мавжуд бўлиши зарур (Низомнинг 19-банди, ВМнинг 26.11.2002 йилдаги 407-сон қарори билан тасдиқланган).

Товарлар улгуржи сотилганда улгуржи савдони амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия олиш зарур (407-сон Низомнинг 3-банди).

Александр Лобанов, «Norma» МЧЖ эксперти.



Мажбур эмассиз, бироқ тўлашингиз мумкин

Ташкилот шаклидаги юридик шахсга юқори турувчи органдан хат келди, унга кўра ишга қабул қилинган ҳар бир янги мутахассисга (30 ёшга тўлмаган) энг кам иш ҳақининг 2 баравари миқдорига моддий ёрдам тўлаш керак экан. Бироқ буни тасдиқловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар кўрсатилмаган. Мазкур масала юзасидан Бандликка кўмаклашиш марказига мурожаат қилдик, у бундай ҳужжат йўқ дея жавоб берди.

Ҳақиқатан ҳам ёш мутахассисларга 2 ЭКИҲ миқдорига моддий ёрдам тўлашимиз керакми?

О.Дримова.

— Моддий ёрдам тўлаш ташкилотнинг локал ҳужжатлари (жамоа шартномаси, меҳнатга ҳақ тўлаш тўғрисидаги низом, буйруқ ва ҳ.к.) билан тартибга солиниши керак.

Ёш мутахассисларга моддий ёрдам тўлаш мажбуриятини белгилловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат мавжуд эмас.

Меҳнат ҳақи шакли ва тизимлари, мукофотлар, кўшимча тўловлар, устамалар, рағбатлантириш тарзидаги тўловлар жамоа шартномаларида, шунингдек иш берувчи томонидан касабга уюшмаси кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб қабул қилинадиган бошқа локал ҳужжатларда белгиланади (МКнинг 153-моддаси 2-қисми).

Шу тариқа, ташкилот моддий ёрдам тўлашга мажбур эмас. Бироқ у бундай қилишга ҳақли. Бунинг учун локал ҳужжатларда тўлаш ҳолатлари ва унинг миқдори назарда тутилиши лозим.

Сабоҳат Султонова, «Norma» МЧЖ эксперти.

Чет эллик инвестор — хусусий ташкилот муассиси устас фондига хорижий валютада ҳисса киритган. У муассислар таркибидан чиқайтганда хорижий валютадаги ўз улушининг ҳақиқий қийматини олиши мумкинми?

В.Смелова, бухгалтер.

Эркин репатриация қилиш ҳуқуқи

— Ҳа, чет эллик муассис хорижий валютадаги ўз улушининг ҳақиқий қийматини олиши мумкин.

Чет эллик инвестор ЎзРдаги инвестиция фаолиятини тўхтатишга ҳақли. Уни тўхтатганидан кейин ўз активларини пул ёхуд натура шаклида ўз мамлакатига эркин репатриация қилиш ҳуқуқига эга. Маблағларни репатриация қилиш чет эллик инвесторнинг ЎзР ёхуд бошқа кредитлар олдидидаги мажбуриятларини бажариш учун зарар етказмаслиги лозим («Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чорала-

ри тўғрисида»ги Қонуннинг 8-моддаси).

Халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ, давлат:

➢ чет эл инвестициялари иштирокидаги корхонанинг тўловга қобилиятсизлиги ва банкротлиги;

➢ кредит берувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

➢ чет эллик инвестор — жисмоний шахс содир этган жиноий қилмиш ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳолларида;

➢ суд ёки ҳакамликнинг ҳал қилув қарорига мувофиқ маб-

*Репатриация қилиш — норезидентнинг соф фойдани ушбу фойда олинган давлат ташқарисига (солиқ солингандан кейин) олиб чиқиши.



лағларни ўз мамлакатига қайтаришни тўхтатиб туришнинг бошқа зарурати бўлганда, чет эллик инвесторнинг маблагларини қонун ҳужжатларини камситмайдиган тарзда қўллаш шароитида ўз мамлакатига қайтаришни тўхтатиб туриши мумкин (Қонуннинг 7-моддаси).

Шу тариқа, чет эллик инвестор хорижий валютадаги ўз улушининг ҳақиқий қийматини олишга ҳақли.

Александр Лобанов, «Norma» МЧЖ эксперти.

Шартноманинг бутун суммасини суғурталаш зарур

Президентнинг 22.11.2016 йилдаги ПҚ-2660-сон қарорига мувофиқ банкнинг ипотека кредити ҳисобига квартира сотиб олдим. Бугунги кунда кредит шартномасини расмийлаштириш учун квартирани суғурталашим керак. Кредитни сўндириш муддати 20 йилни ташкил этади. Ҳозир квартирани 5 йилга суғурталаб, шундан сўнг кейинги ва ҳ.к. муддатга суғурта шартномасини тузишим мумкинми? Ёки уни бир йўла 20 йилга суғурталашим керакми?

Баҳодир, бош бухгалтер.

— Сиз ипотека кредити муддатига (20 йил) суғурталашингиз керак. Бошқа шартлар банк билан сизнинг ўртангизда тузиладиган ипотека шартномасида белгиланиши мумкин.

Президентнинг 22.11.2016 йилдаги ПҚ-2660-сон қарорини ижро этиш мақсадида квартираларни ипотека кредитига сотиш тартибини белгилловчи Кўп квартирали уйлари қуриш ва реконструкция қилишни молиялаштириш, шунингдек ёш оилаларга, эскирган уй-жойларда яшаётганларга ва уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган фуқароларнинг бошқа тоифаларига сотиш тартиби тўғрисидаги низом (ВМнинг 16.01.2017 йилдаги 14-сон қарори билан тасдиқланган) қабул қилинди. Унда суғурталаш муддати кўрсатилмаган. Бироқ қарз олувчи сотиб олинган квартирани йўқотиш, шикастланиш ва нобуд бўлиш хавфидан тўлиқ қийматда банк

фойдасига суғурта қилиши шартлиги белгиланган («Ипотека тўғрисида»ги Қонуннинг 24-моддаси; Низомнинг 68-банди).

Квартиранинг тўлиқ қиймати суғурталаниши сабабли суғурта шартномаси, қонда тариқасида, ипотека кредитининг бутун муддатига (сизнинг ҳолатда — 20 йилга) тузилади. Суғурта қилдираётганда суғурталовчига суғурта мукофоти тўлашингиз керак бўлади. Уни бир йўла ёки бўлиб-бўлиб тўлаш мумкин (ҳаммаси шартнома шартларига боғлиқ) (ФКнинг 942-моддаси).

Томонлар квартирани суғурталашнинг бошқа шартларини белгилаши мумкин. Бунинг учун қарз олувчи билан банк ўртасида тузиладиган ипотека шартномасида уларни назарда тутиш зарур.

Сабоҳат Султонова, «Norma» МЧЖ эксперти.

Эълонлар

ХИЗМАТЛАР

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан қимматини учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тўлов — исталган шаклда.
Тел.: 236-76-46, 233-74-95, 233-17-56.

Иш ҳужжатларини муқовалаш.
Тел.: (+998 93) 556-61-31, (+998 90) 189-28-09.

Малакали адвокат. Тел.: (+998 97) 402-16-02.
Хизматлар лицензияланган.

«СОЛИКЛАР: САВОЛЛАР ВА ЖАВОБЛАР»

Ўзбек тилидаги қўлланмасининг тақдим этилиши

Тошкент ш. Миробод тумани,
Ҳафизияржаев кўч., 1/1.
Тел.: (998 71) 200-00-90.
E-mail: office@norma.uz,
web: www.norma.uz

Паспорт ҳақиқий эмас

Танишим ажрашгандан кейин қизлик фамилиясини олди, бироқ сафарда бўлганлиги сабабли эрининг фамилиясидаги паспортини алмаштиришга улгурмади. Ҳозир у чет элда хизмат сафарида, бир йилдан кейин қайтди. У қандай муаммоларга тўқнаш келиши мумкин?

А.Коневец. Тошкент ш.

— Танишингиз ФХДё бўлимида никоҳ бекор қилинганлиги тўғрисидаги гувоҳномани олганидан кейин фамилияси ўзгаргани муносабати билан паспортни алмаштириш учун дарҳол яшаш жойидаги паспорт столига мурожаат қилиши керак эди (Низомнинг 17-банди, 5.01.2011 йилдаги ПФ-4262-сон Фармонга 1-илова).

Келгусида паспорт столига мурожаат қилганда паспортини ўз вақтида алмаштирмагани сабабли муаммога тўқнаш келиши мумкин. Ҳақиқий бўлмаган паспорт билан яшаганлик учун ЭКИХнинг 1/2 қисмидан 3 бараваригача жарима назарда тутилган (МЖТКнинг 223-моддаси).

Уй эгаси хорижда бўлса

Турмушга чиққанман, иккита вояга етмаган фарзандимиз бор. Турмуш ўртоғим билан ҳар хил жойда прописка қилинганмиз. Фарзандларим билан мен — онамникида, эрим эса — биз яшайдиган хусусий уйда, ўзининг ота-онасиникида. Уй мерос олиш ҳуқуқи бўйича тўрт кишига тегишли (улушлардан бири қайнотамга тегишли). Бошқа учта эгаси Тошкентда яшамайтганга 5 йилдан ошди, улар бошқа мамлакат фуқаролари ҳисобланади. Қайнотам паспорт режимини бузмаслик мақсадида фарзандларим билан мени уйда прописка қилдирмоқчи эди, бироқ паспорт столи ходимлари барча уй эгаларининг нотариал розилигени талаб қилмоқда. Уй эгаларидан бири розилик беришга тайёр, бироқ иккитаси — прописка қилинишимизга қарши. Қайнотам ушбу масалани ҳал этиш учун судга мурожаат қилмоқчи. Қолган меросхўрларни яшовчи тараф фойдасига мерос олиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш мумкинми, зеро уйни сақлаш харажатлари ҳамда барча коммунал ва солиқ харажатлари анчадан буён турмуш ўртоғимнинг оиласи зиммасида?

Замира К. Тошкент ш.

— Ҳақиқатан ҳам, турмуш ўртоғингиз яшайдиган жойда доимий прописка қилинишингиз учун турар жой мулкдорлари ҳисобланган барча оила аъзолари ёзма розилик бериши зарур (АВ томонидан 4.05.2012 йилда 2358-сон билан рўйхатдан ўтказилган Йўриқнома). Тегишинча, доимий прописка қилиш тўғрисидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилиш мақсадга мувофиқ эмас деб ҳисоблаймиз.

Бошқа меросхўрларни мерос олиш ҳуқуқидан маҳрум қилишга келсак, мерос қилиб олинаётган уйда коммунал ва бошқа харажатларни тўлаб яшаш далилининг ўзи бунинг учун асос бўлиб хизмат қила олмайди. Манфаатдор шахснинг даъво аризасига кўра суднинг ҳал қилув қарори билан фақат қуйидаги шахслар мерос олиш ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин:

1) мерос қолдирувчини ёки эҳтимол тутилган меросхўрлардан бирортасини қасддан ўлдирган ёки уларнинг ҳаётига суиқасд қилган шахслар. Улар васият бўйича ҳам, қонун бўйича ҳам мерос олиш ҳуқуқига эга эмаслар. Васият қилувчи ўз ҳаётига суиқасд қилингангандан кейин васиятнома берган шахслар бундан мустасно;

2) мерос қолдирувчи ўзининг охириги хоҳиш-иродасини амалга оширишга қасддан тўсқинлик қилган ва шу орқали ўзларининг ёки ўзларига яқин шахсларнинг

ворисликка қақирилишига ёхуд мероснинг ўзларига ёки ўзларига яқин шахсларга тегишли улуши кўпайтирилишига имкон яратган шахслар;

3) болаларига нисбатан ота-оналик ҳуқуқларидан маҳрум этилган ва мерос очилган пайтда бу ҳуқуқлари тикланмаган ота-оналар ана шу болалардан қолган мулкка ворис бўлиш ҳуқуқига эга эмаслар, шунингдек мерос қолдирувчига таъминлаб туриш юзасидан қонунга кўра зиммаларига юклатилган мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаган ота-оналар (фарзандликка олувчилар) ва вояга етган болалар (фарзандликка олинганлар) — қонун бўйича ворислик қилиш ҳуқуқига эга эмаслар (ФКНинг 1119-моддаси).

Зарур штамп

Яккасарой туманида прописка қилинганим ҳолда турмуш ўртоғимнинг Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги квартирасида яшашим мумкинми? Барча ҳужжатларимиз жойида. Реал яшаш жойи бўйича прописка фақат бошқа шаҳарликлар учун керакми ёки меникига ўхшаш вазиятда ҳам зарур бўладими?

Рустам Б. Тошкент ш.

— Турмуш ўртоғингиз прописка қилинган жойда доимий яшаётган бўлсангиз, ушбу далилни паспортдаги белги — кириш-чиқиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимида қўйиладиган прописка штампи билан тасдиқлаш зарур (Низомнинг III бўлими, 5.01.2011 йилдаги ПФ-4262-сон Фармонга 1-илова).

Квартира масаласи

Квартира эгаси унда прописка қилинган шахсларнинг розилигисиз уни сотишга ҳақлими? Агар шундай қилинган бўлса, мулкдорнинг хатти-ҳаракатлари устидан қандай арз қилиш мумкин? Мен эр-хотинни назарда тутмаяпман.

К.Поморин. Тошкент ш.

— Сиз квартиrada прописка қилинган шахслар уй-жойни хусусийлаштиришнинг иштирокчилари ҳисобланиш-ҳисобланмаслигини кўрсатмагасиз. Квартира барча ижарачиларнинг розилиги билан хусусийлаштирилган бўлса (ОСПнинг 2.05.1997 йилдаги 3-сон қарори 2-банди), хусусийлаштиришнинг ҳар бир иштирокчисига (ижарачида) умумий ҳиссали мулк ҳуқуқи вужудга келади.

«Давлат уй-жой фондиди хусусийлаштириш тўғрисида»ги Қонуннинг 13-моддасига мувофиқ хусусийлаштирилган турар жойда унинг хусусийлаштирилишига розилик берган уй эгасининг бошқа оила аъзолари яшаётган бўлсалар, уларнинг ҳаммаси шу турар жойнинг эгаси ҳисобланадилар, эгаллаб келинаётган турар жой эса хусусийлаштириш натижасида умумий мулкка айланади (ОСПнинг 3-сон қарори 16-банди).

Шу тариқа, умумий улушли мулк иштирокчиси яшаш учун мулккаланган уй, квартира, уй ёки квартиранинг бир қисмидаги ўзига тегишли улушни ўзга шахсга сотиш нияти ҳақида имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлган қолган барча умумий улушли мулк иштирокчиларига ёзма равишда маълум қилиши шарт (ФКНинг 224-моддаси).

Баён этилганлардан келиб чиқилса, агар сиз умумий улушли мулк иштирокчиси бўлсангиз, мулкдор сизни хабардор қилмай туриб квартирани сотишга ҳақли бўлмайди. Агар сиз умумий улушли мулк иштирокчиси бўлмай, фақат турар жойингиз тайин бўлишини кўзлаб у ерда доимий прописка қилинган бўлсангиз, квартиранинг олди-сотди шартномаси нотариал идорада рўйхатдан ўтказилиши юзасидан баҳслашишга ҳақли бўлмайсиз.

Бундан ташқари, квартиранинг янги эгаси сизнинг пропискангизни бекор қилиши мумкин. Суднинг эгаллаб турган турар жойингиздан кўчириб юбориш ёки ушбу турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқингизни бекор бўлган деб топиш тўғрисидаги кучга кирган қарори бунинг учун асос бўлади (Низомнинг 47-банди, 5.01.2011 йилдаги ПФ-4262-сон Фармонга 1-илова).

Бўш ётган уйлар рўйхатида

Квартира эгаси — хорижий фуқаро узоқ вақт (2 йил) бўлмаганда уни хатлаб қўйишлари мумкинми? Бу ҳолда қаргга мурожаат қилиш керак?

Макарин. Тошкент ш.

— Ҳа, квартира эгаси бўлмаган пайтда коммунал хизматлар ва уй-жойдан фойдаланиш харажатлари учун ҳақ тўланмаса, шундай қилишлари мумкин. Коммунал хизматлар учун узоқ вақт (12 ойдан ортиқ) ҳақ тўланмаган тақдирда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг тақдимномасига кўра қарзларни ундириш масаласини ҳал қилиш учун уй-жой белгиланган тартибда хатлаб қўйилди (ВМнинг 27.02.1999 йилдаги 92-сон қарори 1-банди). Квартирани ижарага олган шахс ХУМШ ва маҳалла кўмитасига мурожаат қилиши зарур. Акс ҳолда ушбу ташкилотлар квартира бўш ётганлиги тўғрисида далолатнома тузишлари мумкин, унинг асосида уй хатлаб қўйилади.

КУН НАФАСИ

Бу кунни 25 йил кутдим

Фаргона вилояти ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилинган 36 кишига фуқаролик паспорти тантанали равишда топширилди.



Шу юртда яшаб, унинг тўлақонли фуқароси сифатида улкан ўзгариш ва янгиланишларга дахлдорлик завқини туйишни сўз билан таърифлаш мушкул. Фуқаролик паспортига эга бўлган бир гуруҳ юртдошларимиз буни гурур билан изҳор этмоқда.

Тадбирда мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари қонун билан қароқотлаб қўйилгани, фуқароликка қабул қилиш қонунийлик, инсонпарварлик ва ижтимоий бағрикенглик тамойиллари асосида амалга оширилаётгани таъкидланди. Барча ислохотлар замирида инсон манфаатлари устувор экани эътироф этилди.

— Қирғизистондан кўчиб келиб, Фаргона шаҳрида яшаётганимизга 25 йил бўлди, — дейди Дилфуза Абдуразоқова. — Ўзбекистон Миллий университетда таҳсил олдим. Шаҳардаги 7-умумтаълим мактабда она тили ва адабиёти фанидан дарс бераман. Фуқаролигим йўлқўли юрагимда армон эди. Ўзбекистон фуқароси бўлишни орзу қилардим. Бугун ана шу орзум рўёбга чиқди. Энди шу табаррук юртнинг тенг ҳуқуқли фуқаросиман. Бунинг учун Президентимиздан миннатдоримиз.

— Ватанимиз паспорти мен учун жуда қадрли, — дейди Фаргона политехника институти талабаси Муслимбек Шараев. — У менга битмас-туганмас куч-қувват беради, юртимиз келажаги учун масъул ҳамда дахлдор эканлигини эслатиб туради. Билдирилган юксак ишончга муносиб бўлиш учун бор куч ва салоҳиятимни ишга соламан.

ЎЗА материали асосида.

Автоижара – нотариал расмийлаштиришсиз

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида қатор қонун лойиҳалари биринчи ва иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

➤ Улардан бири – «Автомобиль йўллари тўғрисида»ги Қонун нормаларини такомиллаштиришга доирдир.

Қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинганидан сўнг мутахассис ва олимлар таклифлари асосида пухта ишлаб чиқилди. Қонуннинг қабул қилиниши иқтисодиётни янада ривожлантириш, шаҳар ва қишлоқлар йўл-транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш, аҳолининг фаровон ҳаётини ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш имконини беради.

➤ «Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодек-

сининг 565-моддасига қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси билан жисмоний шахслар томонидан автотототранспорт воситаларини ижарага бериш шартномасини унинг нотариал тасдиқловисиз 1 ой муддатга ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштириш масалаларини соддалаштиришни назарда тутувчи қўшимчалар киритиш таклиф этилмоқда. Ҳозирги пайтда шартномани нотариал тасдиқлаш талаб этилади. Сийсий партиялар фракциялари мамлакатимизда туризмни ривожлантириш бўйича Президент томонидан белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда мазкур қонун лойиҳаси нормаларини такомиллаштириш зарурлигига алоҳида эътибор қаратди.

Манба: norma.uz.

Декабрни кутмасдан техник кўрикдан ўтказинг

Корхонага тегишли автомашиналар 2017 йил апрелда режали техник кўрикдан ўтказилган эди. Корхонанинг юридик манзили ўзгарганлиги муносабати билан автомашиналарнинг техник паспортларини алмаштиришимизга тўғри келди. 2017 йил декабрда Тошкент шаҳар ИИББ ЙҲХБга қайта рўйхатдан ўтказилганлиги учун 120 568 сўм миқдорида ва техник кўрик учун 17 244 сўм миқдорида давлат божни тўладик. 2017 йил декабрда янги намунадаги техник паспортларни олдик.

2018 йил апрелда автомашиналарни режали техник кўрикдан ўтказишимиз керак эдимиз?

Г.Беглова, бош бухгалтер.



– Сизнинг ҳолатда транспорт воситалари 2018 йил 1 июлгача техник кўрикдан ўтказилиши керак. Саволда транспорт воситасининг тури кўрсатилмаган, шу сабабли барча турдаги транспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказиш даврийлигини эслатиб ўтаимиз.

Транспорт воситалари қуйидаги даврийликка мувофиқ техник кўрикдан ўтказилиши керак (ВМнинг 31.01.2003 йилдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган Низом):

Низомнинг 5-банди кичик бандлари	Транспорт воситасининг тури	Техник кўрикдан ўтказиш муддати
«а»	Тижорат асосида йўловчилар ташиш учун фойдаланиладиган енгил автомобиллар, автобуслар, троллейбуслар, трамвайлар ва ўтириладиган жойлар сони 8 та ва ундан ортиқ бўлган (ҳайдовчининг ўрнидан ташқари), одамларни мунтазам ташиш учун жиҳозланган юк автомобиллари, йирик габаритли, оғир вазнли ва хавфли юкларни ташиш учун махсус транспорт воситалари ва уларга тиркамалар	1 йилда 2 марта
«б»	Ишлаб чиқарилганлигига 5 йилдан кўп бўлмаган (ишлаб чиқарилган йили ҳам шу жумлага кирази) транспорт воситалари («а» кичик бандда кўрсатилган транспорт воситаларидан ташқари)	2 йилда 1 марта
«в»	Ишлаб чиқарилган йилини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқарилганлигига 5 йилдан ортиқ бўлган транспорт воситалари, шунингдек ишлаб чиқарилган вақти аниқланмаган транспорт воситалари («а» кичик бандда кўрсатилган транспорт воситаларидан ташқари)	1 йилда 1 марта
«г»	Тиркамалар	Транспорт воситаси – шакли учун белгиланган муддатларда
«д»	Уларни ДИХХ органларида рўйхатдан ўтказиш (қайта рўйхатдан ўтказиш) вақтида	Навбатдаги техник кўрикдан ўтказишнинг илгари ўрнатилган муддатларидан қатъи назар
«е»	Ишлаб чиқарилган йилдан қатъи назар, ДИХХ органларида рўйхатдан ўтказилганда (қайта рўйхатдан ўтказилганда) («а» кичик бандда кўрсатилган ҳолатлар бундан мустасно)	Рўйхатдан ўтказилган (қайта рўйхатдан ўтказилган) кундан бошлаб 1 йил ўтган

Сизнинг транспорт воситаларингиз қайта рўйхатдан ўтказилганлиги муносабати билан «д» кичик бандга мувофиқ техник кўрикдан ўтказилган. «е» кичик банд бўйича навбатдаги техник кўрикдан ўтказиш санаси қайта рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб 1 йил ўтган деб белгиланади. Яъни транспорт воситаси 2017 йил декабрда қайта рўйхатдан ўтказилган бўлса, навбатдаги техник кўрик 2018 йил декабрда ўтказилиши керак.

Бироқ юридик шахсларга қарашли бўлган транс-

порт воситаларининг техник кўриги 1 март – 30 июнда ўтказилади деб белгиланган (Низомнинг 6-банди). Шу муносабат билан амалиётда ДИХХ органлари қайта рўйхатдан ўтказиш муносабати билан ўтказилган техник кўрикни инобатга олмайди ва белгиланган муддатда режали техник кўрикдан ўтишни талаб қилади.

Абдурахмон Бахтиев,
«Ipar Global» ХК директори.

МАЪЛУМОТ УЧУН

Ҳайдовчилик гувоҳномаларини 17 та Давлат хизматлари марказларида олиш мумкин

1 июндан бошлаб ҳайдовчилик гувоҳномаларини берувчи Давлат хизматлари марказлари сони 17 тага етди, деб хабар беради ЎЗА.

Ҳозир ҳайдовчилик гувоҳномаларини Тошкентнинг Миробод, Юнусобод, Учтепа ва Шайхонтоҳур туманлари ҳамда Наманган шаҳар Марказларида олиш ёки алмаштириш мумкин.

1 июндан бошлаб ушбу хизмат Нукус, Андижон, Термиз, Когон, Зарафшон, Шаҳрисабз, Қўқон шаҳарлари, шунингдек республика вилоятларининг 5 та туманидаги Марказларда ташкил этилади.

Илгари ҳайдовчилик гувоҳномаларини бериш билан фақат йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси бўлинмалари шуғулланган. Ҳайдовчилик гувоҳномалари ҳам янги намунадаги ҳужжатларга алмаштириб келинмоқда.

Манба: norma.uz.

ХОРИЖ ТАЖРИБАСИДАН

Светофор учун регламент



Пйёдалар учун қизил чироқни 45 сониягача қисқартиришни таклиф этмоқдалар. Келаси йилда тасдиқланиши режалаштирилётган дастлабки миллий стандарт лойиҳасида (ДМСЛ) ана шундай чеклов назарда тутилган.

– Йил охиригача Россияда «Светофор билан тартибга солиш схемалари» ДМСЛни ишлаб чиқишни тугалламоқчимиз, – дея хабар берди «Известия» газетасига Росстандарт ҳузуридаги «Удобная дорога» («Қулай йўл») лойиҳа-техника қўмитаси раҳбари Александр Шумский. – Ҳужжатда пйёдалар светофорларидаги вақтни йўлдан ўтиш учун узоғи билан 45 сония кутадиган қилиб тартибга солиш тавсия этилган.

Ҳозир кўп йўлакларда бир ярим, ҳатто 3 дақиқагача кутишга тўғри келади. Экспертларнинг ҳисоб-китобларига кўра, шоқалоқ пйёдалар 45 сониядан кейин қизил чироқда югуриб ўта бошлайдилар. Бунда пйёдалар учун кутиш вақти 30 сонияни ташкил этганда яна ҳам яхши бўлар эди, – дея қўшиб қўйди у.

Шунингдек стандартда чорраҳаларни бир вақтнинг ўзига пйёдалар ҳам, транспорт ҳам кесиб ўтиши имкониятини жорий этиш тавсия этилган. Бироқ фақат тавсия этилган тезлик 50–60 км/соатдан ошмайдиган трассада. Бу, масалан, автомобиллар учун фақат «зебралар» йўлга бурилиш рухсат этилган пайтларда қулайлик яратади.

Шумскийнинг сўзларига қараганда, шоқалоқ пйёдалар кўпчилик авария ҳолатларини юзага келтирадilar. Янгиликлар улар иштирокидаги ЙТХ сонини қисқартириш имконини беради. Росстандартдаги фикрича, светофорларнинг ишини тартибга солидиган ДМСЛ йўл ҳаракати хавфсизлигини оширишга йўналтирилган. Ҳужжатнинг ишлаб чиқилиши 2018 йилги миллий стандартлаш дастурида назарда тутилган бўлиб, федерал бюджет маблағларини жалб этмаган ҳолда амалга оширилмоқда. Стандарт 2019 йилда тасдиқланиши режалаштирилган.

Интернет тармоғи материалларидан.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ХУҚУҚ СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma Hamkor» МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.

Рўйхат рақами 0074.

Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир
Фарҳод Собирович
ҚУРБОНБОВ

Нашр учун масъул –
бош муҳаррир
ўринбосари,
масъул котиб
Нодир Носирович
АЛИМОВ

Адабий муҳаррир

Зулфия
Самдуратовна
РАҲИМБЕКОВА

Саҳифаловчи
Наталья
БАРАНОВА

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш. Миробод тумани,
Таллимаржон кўчаси, 1/1,
Тахририят тел. 200-00-90
Обуна бўлими тел. 200-00-30
E-mail: sbx@norma.uz,
gazeta@norma.uz,
web: norma.uz

Обуна, газеталар, китоблар,
газеталарнинг электрон версияларини
етказиб бериш ва хабар қилиш масалалари
бўйича 200-00-30;
«Norma» АҚТ бўйича – 200-00-90;
Рекламини joyлаштириш бўйича
283-32-31, 283-36-32 телефон рақамларига
муурожаат қилиш мумкин.

Газета нашри – «ТОПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базасида теригид ва саҳифаланди.
Нашр қўратилган – 186. Қўроқ бағавал – А3. Ҳужайра – 2 бома табоқ. Баҳорон келишганидан назарда.
Буқорлма 262. Адади 875. Газета 2018 йил 28 май соат 16.30 да топширилди.